

Хайруллаева Умида Сайфутдиновна
Тошкент Давлат Шарқшунослик Институти,
2-курс магистранти, лингвистика (япон-инглиз)

ЯПОН ТИЛИДА ЭРКАК ВА АЁЛЛАРГА ХОС ОЛМОШЛАРИНИНГ ГЕНДЕРОЛОГИК ТАСНИФИ

Барча учун маълумки, тил - у ёки бу халқнинг ажралмас бир қисми бўлиб, унда биз айнан ўша халқнинг маданиятини, ўзига хос жиҳатларини, бойлигини, миллий қадриятларини ва ички тузилмаларининг аксини тил ривожига кўриб, кузатиб боришимиз мумкин.

Шундай экан, тилшуносликнинг XX асрдаги тараққиётини ва XXI асрдаги муҳим йўналишларини социолингвистика, психолингвистика, компьютер лингвистикаси, когнитив лингвистика каби чегарадош йўналишлар белгилаб бергани бежиз эмас, чунки бу соҳалар тилни бевосита унинг амалиёти билан боғлаб ўрганади.

Сўнги йилларда оммавий ахборот воситалари, хусусан, матбуотимиз саҳифаларида жинслараро муносабатларга оид публицистик чиқишлар сезиларли даражада кўпайди. Айниқса, аёлларнинг жамиятдаги ролини ошириш кўзда тутилган мулоҳазалар анча салмоқли. Ушбу илмий мақолада шу ўн йиллик ичида лингвистиканинг бир йўналиши сифатида тез ва салмоқли равишда ривожланиб келаётган гендер тадқиқотлардаги “эркак” ва “аёл” концептини, нафақат жинс категорияси томонидан, балки кенгроқ тадқиқ этиш имкониятларининг долзарблигини очиб беришга қаратилган.

В.А.Кирилина гендер муаммосига оид тадқиқотларни XX асрга келиб ривожланиб, унга инсоннинг шахсий ҳаётига бўлган қизиқиш ва этник келиб чиқиши, ёши, жинси каби категорияларни биологик ва генетик омиллар сифатида эмас, аксинча уларни ўзгача талқин қилина бошланиши туртки бўлиб хизмат қилганлигини айтиб ўтган. У ўз ишларида гендер таҳлилининг лингвистик принципларини ишлаб чиқиб, қуйидагиларни кўрсатиб ўтган:

- гендер коммуникатив мулоқотнинг муҳим мезони саналади;

-гендернинг маданий символик табиати гендер билан боғлиқ ўхшатишларнинг юзага келишига олиб келади;

- тил ва коммуникацияларнинг гендер аспектларини ўрганиш учун лингвистик методлар қўлланилади. Умуман тилшуносликда қўлланилаётган (сотцолингвистик, психоллингвистик, лингвомаданиятшунослик ва бошқа) методлардан фойдаланилади.¹

В.А.Кирилина илгари сурган ғояларидан бизга маълум бўлдики, модомики, тилимизда бундан кейин жинс, яъни гендер истилоҳи фаол иштирок эта бошлар экан, унинг социоллингвистик тушунча сифатидаги мазмунини аниқлаштириб бориш керак бўлади. Мисол сифатида европа тиллари ёки рус тилида гендер тадқиқотини олиб борувчи олим, албатта, танлаб олинган тилдаги жинс категорияси билан тўқнашади. Лекин шундай тиллар борки, гендер лингвистикаси тадқиқотлари умуман жинс категорияларидан ҳоли равишда тадқиқ этиш имкониятларига эгадир. Шундай тиллардан бири япон тилидир. Илмий мақоланинг асосий мақсади бу япон тилида жинс категориясидан ҳоли равишда эркак ва аёл нутқини фарқловчи лингвистик воситаларни очиб беришдир. Мақсаддан келиб чиққан ҳолда япон тилида гендерологик воситаларнинг қўлланилиши статистикаси таҳлили орқали энг кўп фарқланишни ўзида намоён этувчи лингвистик воситаларни аниқлаш ва уларни мисоллар орқали таҳлил қилиш вазифалардан иборатдир.

Япон тили европа тиллари оиласига мансуб тиллардан фарқли ўларок индивидуал жиҳатларини қамраган ҳолда тараққий топди. Кўп йиллар давомида Япония чет давлатлар учун “ёпиқ” мамлакат сифатида ўз қобиғида ривожланди ва ўзининг маданий ўчоғига эга бўлди. Бутун бир миллат ягоналиги ва тилнинг чет тиллари таъсиридан ҳоли равишда ривожланганлиги, ҳозирги кунларда ҳам сезиларли ва даврий фарқларни кўпгина манбалардан кўришимиз мумкин. Японияда эркак ва аёлларнинг нутқидаги фарқлар IX-XII аср Хейан даврида император қароргоҳидаги япон

¹ Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах// Гендерные образование в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 24-25 июня 2003 г. – Иваново: Иван.гост.ун-т, 2003. –с.с.132-138

ёзувчиларининг асарлари ва турли хил ёзишмаларида кузатишимиз мумкин. Эдо даврига келиб Япония ўзини ташқи дунёдан ва чет давлатларининг маданий ва ғоявий “зарба”ларидан ҳимоя қилиш мақсадида барча чегараларини ёпишга қарор қилди. Айнан бу хатти-ҳаракатлар тилда махсус император қароргоҳи аёлларига хос сўзлашув услуби ва услубиятнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди.²

Албатта, замонавий япон тили ўзида тилдаги “турғунлик” билан бирга, чет тиллари билан кириб келган ғарб маданияти бўёқларини ўзида уйғунлаштира олиши, жамиятдаги барча ўзгаришларни очиб бера олади, деб айтишимиз мумкин.

В.М.Алпатовнинг таъкидлашича, япон тилидаги эркак ва аёл киши нутқини фарқловчи лингвистик воситалар, тил системасининг барча ярусларида кузатиш мумкин. Тилнинг фонетик жиҳатдан кузатишда, К.Киндаичи япон тилида 84 % аёллар гапдаги わ、よ (ва, ё) экспрессив кўшимчаларни юқори оҳангда, 60% эркаклар паст оҳангда талаффуз этишларини таъкидлаб ўтган.³

Д.Сибамото норасмий сўзлашув услубида учта асосий фонетик жиҳатларни айтиб ўтган:

- [p] товушининг ундош ёки бурун товушлари олдидан ассимиляцияга учраши: わからない(вакаранай) - わかんない (ваканнай) “билмайман”;

- [и] товушининг эркак ва аёл киши нутқида редукцияга учраши: いらっしやる (ирассяру) – らっしやる (рассяру) “Борасизми?”, しっている (ситтеиру) - しってる(сттеру) “Мен биламан”⁴

じゃあ、ご飯にしてあげるから、待ってらっしゃいね。⁵

(Дзяя, гохан ни ситеагеру кара, маттэ рассяйнэ)

У ҳолда мен сизни қорнингизни туйдираман, кутиб туринг.

²Sakaguchi H. 日本語学習者から見たジェンダー言語. Ochanomizu University Press.,2002

³ Kindaichi N. Shinnihongoron.Tokyo 1966, p211-212

⁴ Sibamoto J.S. Japanese Women's Languages. Academic Press Inc., 1985

⁵ Drama Love Shuffle. 3

Албатта, ассимиляция ва редукция ҳолларига кўпгина мисоллар келтиришимиз мумкин, лекин гендер лингвистикасини тадқиқ этиш жараёнида тадқиқотчи кўпроқ тилда гендерни фарқловчилар қайси воситаларда ўзини намоён қилишига қараб тадқиқот олиб борилса самаралироқ бўлади, деб ҳисобланади.

Эркак ва аёл киши нутқини фарқловчи яна бир лингвистик воситалар бу албатта олмошлардир. Япон тилида 1- шахсга нисбатан, салбий бўёқдорлигидан истисно ҳолларда қўлланилувчи умумий олмош *わたし* (ватаси), деб қабул қилинган. Эркаклар учун *ぼく* (боку), аёллар учун *わたし* (ватаси). Кузатишлар натижасида бу олмошлар барча ўрта ва кичик ёшдагилар томонидан қўлланилиши аниқланган:

ぼくのことでは心配のことではない。

(боку но котодэ синпай но кото ва най)

Мен(ўғил бола)дан ҳавотир олма.

わたししか心配であることないわ！

(ватаси сика синпайдэ ару кото най ва)

Сиздан фақатгина мен(қиз бола) ҳавотирдаман. ⁶

Шахс-сон олмошларида 2-шахсни ва сўзловчини жинсини аниқлаб келувчи олмошлардан бири кўпол тусга эга *おまえ* (омаэ), киноя тусдаги *きみ* (кими) , буларга нисбатан кўпроқ юмшоқ тусдаги *あんた* (анта) ва сўнгги вақтларда ўзининг юмшоқ, хушмуомала мурожаат тусини йўқотиб бораётган *あなた* (аната) кабиларни мисолларда кўриб чиқишимиз мумкин. Лекин япон тилида расмий тусдаги мулоқот жараёнида 2-шахсга мурожаат вақтида *あなた* (аната) олмошидан қочишга ҳаракат қиладилар. Унинг ўрнига қуйидаги гапдек исмни айтиб чақириш каби усуллардан фойдаланиладилар:

あいちゃんはいぱんに行ったことがあるの。 ⁷

(Ай-чан ва Сайпан ни итта кото га ару но.)

⁶ Drama Love Shuffle. 3

⁷ Ўша асар

Ай-чан (сен) Сайпанда хеч бўлганмисан?

きみ (кими) “сен”– эркаклар энг кўп қўллайдиган олмошлардан бири бўлиб, адабиётда аёлларга нисбатан жуда кам ҳолларда ишлатилади. おまえ (омаэ) ҳам эркаклар томонидан қўлланилади. あんた (анта) олмошини кўпроқ аёллар ишлатишига қарамай, сўнгги вақтларда эркаклар нутқида ҳам учратиш мумкин. あなた (аната) ва わたし (ватаси) замонавий япон тили тенденциясида аёлларга хос шахс-сон олмошларига айланиб борилаётгани кузатилмоқда. Бунни қуйидаги мисол орқали билиб олишимиз мумкин:

きみありがとう、本当にきみ強いんだね。⁸

(Кими аригатоу, хонтоу ни кими тсуёйнданэ)

Сенга катта раҳмат, сен ҳақиқатдан ҳам жуда кучлисан.

(аёлга мурожат)

Шахс-сон олмошларни таҳлил қилиш жараёнида биз, албатта субъектнинг ёши ҳам ҳисобга олиниши лозимлигини ёддан чиқармаслигимиз керак. Эркак ва аёлларнинг олмошларни қўлланилишидаги яққол фарқларни аёл кишиларда 30 ёшдан сўнг, эркакларда эса 40-45 ёшлардан сўнг сезишимиз мумкин. Масалан: あたくし (атакуши) олмошини 30 ёшдан ошган аёллар нутқида кузатилган бўлса, わし (ваши) каби ҳозирда япон тилида йўқолиб борётган, фақатгина қариялар томонидан қўлланиладиган олмошларни ажратиб қўрсатишимиз мумкин.

М.Сиба япон адабиётларини манбалар асосида эркак ва аёл киши нутқида фарқловчи шахс-сон олмошларни ўрганиб чиқиб, қуйидаги натижаларни тақдим этди.⁹

1-шахс сон олмошлари

Олмошлар	Эркаклар	Аёллар
わたくし ватакуси	12%	60%
わたし ватаси		

⁸ Yosie N. Kono michi, ano michi. Tokyo, 2005

⁹ Tanaka A. Ku:matsu no hyou:gen to goho// сб. Nihongo, nihonbunka, Osaka 1977

あたし атаси	1%	39%
ぼく боку	70%	-
おれ орэ	18%	-
あなた аната	15%	75%
あんた анта	2%	10%
きみ кими	60%	-
おまえ омаэ	19%	9%

Натижалардан кўришимиз мумкинки, **ぼく** (боку), **おれ**(орэ), **きみ**(кими) яққол эркаларга хос олмошлардан бўлиб, **あなた** (аната), **あたし** (атаси) аёлларга хослиги маълум бўлди. Масалан,

ぼく、お母さんよりお姉ちゃんすきさー。

(Боку, окаасан ёри онэ:чан сукисаа.)

Мен (ўғил бола)онамдан кўра опамни кўпроқ яхши кўраман.

あたしね、ずっとね、あの一匹猫だと思ったんですね。

(Атаси нэ, дзутто нэ, ано иппики нэко да то омотта н дэсунэ.)

Мен (ёш қизча) ҳар доим бу мушук, деб ўйлаган эканман.¹⁰

Замонавий япон тилида эркак ва аёл нутқидаги фарқларни йўқолиб бораётганлигининг асосий сабаби, бу замонавий тил жуда кўполлашиб бораётгани ва аёллар нутқида эркаларга хос бўлган сўзларнинг ишлатилишида, деб айтилмоқда. Замонавий аёл тимсоли, бу албатта жамиятда ўз ўрнига эга, тенг ҳуқуқли жамиятнинг аъзоси сифатида қаралади. Лекин феминистик ғояларнинг таъсири ҳақида ҳам унутмаслигимиз керак. Аёллар ўзларини жамиятдаги тутган ўринларини янада яққолроқ ифода қилиш қуроли сифатида гендер чегараларини бўзган ҳолда эркаларга хос сўзларни ишлата бошладилар. Эркаларга хос сўзлашув услублари кундалик ҳаётга кириб келиб, аёллар оилада тобелик ролини йўқотган ҳолда тенг мавқега эга бўла

¹⁰ Yosie N.ўша асар

бошладилар. Аёлларга хос сўзлашув услуби нутқни янада юмшатиш ва хушмуомала сўзлашув услуби сифатида қабул қилина бошланди. Шундай экан, тил бу жамиятнинг эҳтиёжларини ўзида акс эттирувчи ва доимо ҳаракатда бўлувчи жараён эканлигини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Тилнинг ҳолатига экстралингвистик ҳамда жамиятда юз берувчи бир нечта омиллар таъсир этиши мумкин.

Япон тилида аёлларнинг нутқида ёш ўтиб борган сари нутқдаги ўзгаришлар ҳам сезиларли даражада кузатилади. Сабаби, айнан япон қариялари гендерологик фарқларга яққол риоя қиладилар ва улар ҳам аёлларга хос сўзлашув услубидан фойдаланадилар.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алпатов В.М. Категории вежливости в современном японском языке: М.: «Наука», 1973.
2. Алпатов В.М. Система личных местоимений 1го и 2го лица в современном японском языке // сб. «Теория и типология местоимений». М.: «Наука», 1980.
3. Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. М.: «Восточная литература», 1988.
4. Денисова А.А. Словарь гендерных терминов. Региональная общественная организация «Восток-Запад: Женские Инновационные Проекты». М.: Информация 21-век, 2002.
5. Кирилина А.В. Исследование гендера в лингвистических научных дисциплинах// Гендерные образования в системе высшей и средней школы: состояние и перспективы: Материалы международной научной конференции, Иваново, 24-25 июня 2003.
6. Kindaichi N. Shinnihongoron. Tokyo Press 1966.
7. Yosie N. Kono michi, ano michi. Tokyo Press 2005.
8. Tanaka A. Kumatsu no hyougen to goho// сб. Nihongo, nihonbunka, Osaka Press 1977.

9. Sibamoto J.S. Japanese Women's Languages. Academic Press Inc., 1985.
10. Tanaka A. Drama Love Shuffle. Japan corp. 2002. 3., 3/1 series

**Тошкент давлат шарқшунослик институти лингвистика йўналиши,
япон филологияси кафедраси 2-босқич магистратура талабаси**

**Хайруллаева Умида Сайфутдиновнанинг “Япон тилида эркак ва аёлларга хос олмошларининг гендерологик таснифи” мавзусидаги
илмий мақоласига**

ТАҚРИЗ

Социолингвистика, лингвокультурология, психолингвистика соҳаларининг туташ нуқтаси ҳисобланган – гендерология, тилшуносликда янги илмий тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Ушбу илмий мақолада айнан шу мавзу умумий жиҳатдан ёритилиб, гендерологиянинг тадқиқ объекти бўлган япон тилида эркак ва аёлларнинг нутқини кўплаб аспектлар ёрдамида ёритилиш имкониятлари кўриб чиқилган. Бу эса, келажакдаги тадқиқотчиларга гендер тадқиқи мавзусида катта имкониятларни очиб бериши мумкин.

Мақолада лингвистик жиҳатдан гендер тадқиқига урғу берилиб, гендерни нутқда намоён бўлиш принциплари ва воситалари ёритиб берилган. Кўрсатилган принциплар нафақат лингвистик жараёнда, балки унинг ижтимоий томони ҳам ҳисобга олиниши таъкидлаб ўтилган.

Далилларни исботлашда кўпгина рус ва ўзбек тилидаги манбалардан фойдаланилган. Мақолада келтирилган барча фикрлар асосланган ва муаммонинг ечимига объектив жиҳатдан ёндашилган. Келгусида барча кўрсатилган далиллар ушбу мавзуда олиб борилаётган тадқиқот ишлари учун амалий манба бўлиши мумкин.

Ушбу мақола айрим камчиликлардан холи эмас. Масалан, бу илмий мақолада япон тилидаги экспрессив кўшимчаларга келтирилган мисоллар етарли даражада эмас. Хайруллаева У.С., келгусида мавзу тадқиқотида чуқуროқ изланишлар олиб борса, тилшуносликда изланишлар олиб борувчилар учун фойдали манба бўлади, деб ҳисоблайман.

Илмий мақола меъёрий қоидалар асосида, илмий ёндашилган ҳолда амалга оширилган ва ижобий баҳоланди.

Тақризчи: Ph.D. Ҳикматуллаев Ж.
